

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “27” ноябрь

№ПК-4035

“ ” 20 г.

**Автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида
ишларни ташкил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатнинг йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, илғор технологиялар ва энг яхши хорижий тажрибаларни жорий этиш асосида лойиҳа ва йўл қуриш ишлари сифатини янада ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси билан узвий боғлиқликда йўл қуриш соҳасида давлат бошқаруви тизимини комплекс такомиллаштириш мақсадида:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги устувор вазифалар этиб белгилансин:

биринчи – автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш соҳасида умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва энг яхши тажрибаларни, автомобиль йўлларининг сифатини ва хизмат кўрсатиш муддатларини оширишни таъминлайдиган йўл қурилишида қўлланиладиган замонавий инновацион технологиялар ва материалларни жорий этиш;

иккинчи – йўл қурилишида молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларини қуриш ва қайта қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банк институтларининг имтиёзли кредит линияларини жалб этиш ҳажмларини кенгайтириш, шунингдек, умумий фойдаланишдаги йўлларни қуришда хусусий инвестицияларни кенг рағбатлантириш;

учинчи – биринчи навбатда, мамлакатнинг худудларига етакчи хорижий компаниялар ва юқори малакали мутахассислар иштирокида йирик пудрат ташкилотларини жалб этиш ҳисобига, йўл хўжалиги соҳасидаги илғор хорижий тажриба ва амалиётни фаол ўзлаштириш ва самарали қўллаш;

тўртинчи – йўллардан фойдаланиш корхоналарини замонавий йўл қуриш техникалари ва таъмирлаш ускуналари билан, жумладан лизинг асосида фаол

жихозлаш ва улар ишини ташкил этишнинг самарали технологияларини жорий этиш ҳисобига автомобиль йўлларидан фойдаланиш ишлари сифатини ошириш;

бешинчи – мамлакат ҳудудларида етакчи хорижий компаниялар иштирокида йўл қурилиши учун замонавий қурилиш материалларини ва маҳсус йўл-қурилиш техникаларини, келгусида уларга хизмат кўрсатувчи сервис марказларини очган ҳолда, ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш;

олтинчи – йўл қурилиши учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини, жумладан соҳага оид хорижий ўкув муассасалари ва марказлари билан ҳамкорликда тубдан такомиллаштириш, шунингдек, етакчи хорижий йўл-қурилиш компанияларида маҳаллий мутахассислар учун амалиёт ўташ дастурларини ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг қуидагиларга йўналтирилган Ўзбекистон Республикасида узоқ муддатли истиқболда йўл қурилишини ривожлантириш Стратегиясини (кейинги ўринларда – Ривожлантириш стратегияси) ишлаб чиқиша иштирок этиш учун етакчи хорижий консалтинг компанияларини жалб этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

автомобиль йўллари тоифаларига кўра уларни лойихалаш, қуриш ва қайта қуриш, шунингдек, таъмирлашда автомобиль йўллари сифатини ва хизмат кўрсатиш муддатларини оширишни таъминлайдиган замонавий стандартлар ва технологияларни жорий этиш;

республика ва ҳудудларнинг истиқболли ижтимоий-иктисодий ривожлантириш прогнозларини, шунингдек, мамлакатнинг транзит салоҳиятидан имкон қадар самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда 2020-2040 йилларда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурини ишлаб чиқиш;

автомобиль йўлларини, жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойихалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини, молиялаштириш соҳасидаги сиёsatни тубдан такомиллаштириш;

автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишга хусусий сектор ресурсларини жалб этишни рафбатлантириш ва йўл қурилиши соҳасида давлат бошқаруви механизмларини комплекс такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ташки ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 30 декабригача бўлган муддатда етакчи хорижий консалтинг компаниялар ва агентликлар, энг аввало, Германиянинг мос йўналишдаги компаниялари амалий тажрибаларини ўрганиш асосида, молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда, Ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш учун хорижий консультантни жалб этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уч кун муддатда қўйидагилар билан боғлиқ ташкилий-амалий масалаларни хорижий ҳамкорлар билан ишлаб чиқиши учун ваколатли вазирликлар ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат ишчи гурӯҳ ташкил этисин:

республика ҳудудида автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишда қўлланиладиган замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш;

автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни лойихалаш соҳасида етакчи хорижий инжинииринг компаниялар (жумладан, профессионал бизнес доираларида халқаро даражада обрўга эга немис компаниялари – “OBERMEYER Planen+Beraten GmbH”, “Lahmeyer International GmbH”, “Lomb Ingenieurgesellschaft mbH”, “INROS LACKNER SE” ва бошқалар) билан ҳамкорлик ўрнатиш;

республика ҳудудларида замонавий қурилиш техникалари ва таъмирлаш ускуналари билан жиҳозланган йўл қуриш ташкилотларини ташкил этиш (Европанинг энг йирик компанияларидан бири бўлган ва йўл хўжалиги соҳасига ихтисослашган “GP Günter Papenburg AG” компаниясини ҳамкорликка жалб этиш имкониятини кўзда тутган ҳолда);

республикада автомобиль йўллари бўйларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, замонавий ландшафт дизайни элементларини ўзлаштириш, йўлбўйи инфратузилма объектларини ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани жорий этиш;

автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, йўллардан фойдаланиш корхоналарини замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича лойихаларни амалга ошириш учун хорижий кредит ташкилотларининг молиявий ресурсларини жалб этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан биргаликда 2019 йилда Германия Федератив Республикасида йўл қурилиши бўйича ўтказиладиган халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, конференциялар ва симпозиумларда ваколатли вазирликлар ва идоралар вакилларининг иштирок этиши бўйича таклифларни бир ой муддатда киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 10 февралигача бўлган муддатда қўйидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Тошкент автомобиль йўлларини лойихалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳузурида ихтисослашган хорижий ўқув муассасалари ва компанияларнинг ҳамкор сифатидаги иштироқида Автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш соҳаси мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказини ташкил этиш;

йўл хўжалигидаги маҳаллий мутахассисларнинг хорижий ўқув муассасаларида малака ошириш ва тайёрлов ўқув курсларини, шунингдек, Германия Федератив Республикасининг етакчи йўл-қурилиш компанияларида амалиёт ўташларида кўмаклашиш;

автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланишда илғор услуг ва технологияларни жалб этишга кўмаклашиш ва тажриба алмашиш соҳасида Германиянинг транспорт ва инфраструктура федерал вазирлиги билан ҳамкорликни ўрнатиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Автомобиль йўллари давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ва ҳудудий автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик тамойилларини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг пудрат ишларини ҳажм кўрсаткичларига ўтказиш йўли орқали йўл хўжалигига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олишни (“ҳажм услуби”) кўзда тутадиган тартибни 2019 йилдан бошлаб босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда куйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ложиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, йўл хўжалиги соҳасида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, шунингдек, уларни қабул қилиб олишда ҳажм ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида Низом;

автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда йўл хўжалигига қурилиш материаллари ишлатилишининг миллий меъёрлари ва стандартларини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш бўйича таклифлар.

9. Автомобиль йўллари давлат қўмитаси “Ўзстандарт” агентлиги, Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти билан биргаликда уч ой муддатда йўл хўжалигига келгусида ишлаб чиқариш ва қўллаш учун замонавий қурилиш материаллари ва қўшимчалар (полимер-чақиқтош-мастикли асфальтбетон, синтетик толалар аралашмаси, микросюрфейсинг, бошқа модификацияланган материаллар) қўллаган ҳолда асфальтбетон қопламаларининг юқори технологияли турларини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин.

10. 2018-2019 йилларда йўл қурилиши соҳасига илғор хорижий услубларни жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда – Йўл харитаси) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Йўл харитасида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг масъул вазирликлар ва идоралар томонидан ўз вақтида бажарилиши бўйича ишларни мувофиқлаштиришни таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шахри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил “27” ноябрдаги ПК-4035-сон
карорига илова

**2018-2019 йилларда йўл қурилиши соҳасига илғор хорижий услубларни жорий этиш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
I. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш соҳасида умумэътироф этилган халқаро стандартларни ҳамда йўл қурилишида қўлланиладиган замонавий инновацион технологияларни жорий этиш				
1	<p>Кўйидагиларни ташкил этиш:</p> <p>потенциал ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида чет элнинг энг яхши консалтинг компаниялари хусусан, ўз йўлларининг сифати ва йўл инфраструктурасини сақлаш технологиялари самарадорлиги бўйича бутун дунёга машҳур давлат – Германиянинг ихтисослашган илғор компаниялари рейтингини ўрганиш;</p> <p>чет элнинг илғор консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг узоқ муддатга мўлжалланган истикболли йўл қурилишини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши.</p>	<p>Йўл қурилиши соҳасида иш тажрибасига эга бўлган етакчи чет эл консалтинг компаниялари билан музокаралар ўтказиши.</p> <p>Ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши бўйича молиялаштириш манбаларини аниқлаш.</p> <p>Ишларни якунлашнинг аниқ муддатлари ва ишлаб чиқиладиган хужжатлар рўйхатини кўрсатган ҳолда консалтинг хизматларини кўрсатишга шартномалар тузиш.</p> <p>Ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши бўйича консалтинг компаниялар ишларини ташкил этиш (босқичларини, муддатларини, асосий ўйналишларни аниқлаш).</p>	<p>2018 йил декабрь</p> <p>2018 йил 30 декабрь</p> <p>2019 йил январь</p> <p>Тасдиқланган муддатларга мувофик</p>	<p>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, “Инвестициялар эксперт маркази” УК, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси,</p> <p>Ташқи ишлар вазирлиги,</p> <p>Иқтисодиёт вазирлиги,</p> <p>Молия вазирлиги</p>
2	Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва сақлаш соҳасида халқаро стандартларни ва энг яхши амалиётларни қўллаш.	Самарасиз ва эскирган механизмлар ва меъёрларни бекор қилишни кўзда тутган ҳолда автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва сақлаш бўйича меъёрий хужжатларни хатловдан	2018 йил декабрь	Қурилиш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги,

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		ўтказиш. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва сақлаш соҳасидаги меъёрий ва техник хужжатларни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиши.	2019 йил февраль	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Ўзстандарт” агентлиги
3	Ўзбекистон Республикасида йўл қурилиши соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш.	Йўл қурилиши соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича режалар дастурини ишлаб чиқиши.	2019 йил I ярим йиллик	Вазирлар Маҳкамаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги
4	Ўзбекистон Республикасининг Халқаро мұхандислар-консультантлар федерациясига (FIDIC) кириши бўйича таклиф киритиши.	Ўзбекистон Республикасининг FIDICга кириши таклифи юзасидан ёзма ахборотнома киритиши. Музокаралар ўтказиш ва Ўзбекистон Республикасининг FIDICга кириши шартларини келишиш.	2019 йил I чорак 2019 йил давомида	Қурилиш вазирлиги, Ташки ишлар вазирлиги
5	Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг пудрат ташкилотлари базасида Германиялик чет эл ҳамкорлар билан биргаликда автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш ва таъмирлаш бўйича худудий филиалларига эга корхона тузиш юзасидан чет эл компаниялари билан битим тузиш.	Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш ва таъмирлаш бўйича худудий филиалларига эга корхона тузиш юзасидан чет эл компаниялари билан битим тузиш.	2019-2020 йиллар	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Давлат рақобат қўмитаси, Ташки ишлар вазирлиги
6	Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш ва таъмирлашга ихтисослашган илғор чет эл	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси пудрат ташкилотларидаги	2018 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси,

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	компанияларига Автомобиль йўллари давлат қўмитаси пурдат ташкилотларидағи давлат (хўжалик) улушкини қисман ёки тўлиқ сотиш бўйича таклиф киритиш.	давлат (хўжалик) улушкини қисман ёки тўлиқ сотиш бўйича таклиф тайёрлаш.		Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Давлат рақобат қўмитаси
7	Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашда иштирок этиш учун кўпроқ Германиядан етакчи пурдат ташкилотларини жалб этиш.	Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлашда етакчи ҳамкорлик ташкилотларида иштирок этиш.	доимий	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Курилиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

II. Йўл қурилишини молиялаштириш самарадорлигини ошириш, халқаро молия ташкилотлари ва чет эл банк муассасаларининг имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш ҳажмини ошириш, автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишда хусусий сектор иштирокини рағбатлантириш

8	Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, йўл хўжалиги соҳасида қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳамда уларни иш ҳажми ва сифатига мувофиқ («ҳажм методи») қабул қилиш тартибини жорий қилиш.	<p>Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, йўл хўжалиги соҳасида қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳамда уларни иш ҳажми ва сифатига мувофиқ («ҳажм методи») қабул қилиш тартиби бўйича Низомни тасдиқлаш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳаси.</p> <p>Шаҳарсозлик қурилиш меъёрлари ва қоидаларини қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми ва сифати асосида</p>	<p>2019 йил январь</p> <p>2019 йил февраль</p>	<p>Курилиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар</p> <p>Курилиш вазирлиги, Автомобиль</p>
---	---	--	--	---

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		бажариш ва қабул қилиш методини йўл хўжалиги соҳасига жорий этишни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.		йўллари давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар
9	<p>Қўйидагиларни жалб қилиш бўйича масалаларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи доирасида имзолаш учун тайёрлаш:</p> <p>немис молия ташкилотлари ва банклари, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари кредит ресурсларини имтиёзли шартларда;</p> <p>автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва сақлаш, замонавий инновацион технологияларни жорий этиш соҳасида техник ёрдам ва консультатив хизматлар кўрсатиш учун Германиянинг етакчи компанияларини;</p> <p>йўл хўжалиги учун замонавий қурилиш материаллари ва маҳсус йўл-қурилиш техникасини ишлаб чиқувчи кўшма корхона ташкил этиш учун етакчи ишлаб чиқувчиларни;</p> <p>йўл хўжалиги тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида кенг миқёсда ҳамкорликни йўлга кўйиш учун Германиянинг таълим муассасаларини, шу билан бирга етакчи компания – ҳамкорлар базасида стажировка программаларини.</p>	Ҳамкорлик дастурлари, меморандумлар, шартномалар, кредит битимлари лойиҳалари.	Жадвалга мувофиқ	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси
10	Ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш доирасида автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция ва таъмирлаш лойиҳаларини амалга ошириш, йўллардан фойдаланиш корхоналарини замонавий техникалар билан таъминлаш, йўл	Кредит битимларини тузиш.	2019 йил январь-февраль	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Автомобиль

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	курилиши соҳасида немис компаниялари билан кўшма корхоналар тузиш учун немис банкларининг кредит ресурсларини имтиёзли шартларда жалб қилиш.			йўллари давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, тижорат банклари
11	Умумий фойдаланиладиган ва худудий автомобиль йўлларни устувор равиша немис шериклари билан лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик принципларини жорий қилиш.	Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва сақлаш соҳасига давлат-хусусий шериклик принципларини жорий этиш бўйича комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш.	2019 йил февраль-март	Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Курилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси

III. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш бўйича ишлар сифатини ошириш

12	Йўллардан фойдаланиш ташкилотларини замонавий йўл-курилиш техникалари ва таъмирлаш ускуналари билан таъминлаш.	Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг ташкилотлари ва худудий ободонлаштириш бошқармаларининг йўл-курилиш техникалари ва таъмирлаш ускуналарига эҳтиёжини аниқлаш. Йўл-курилиш техникалари ва таъмирлаш ускуналарининг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан музокаралар олиб бориш, шунингдек, немис молия ташкилотлари ва банкларининг узоқ муддатли имтиёзли мақсадли маблағларини жалб қилиш	2018 йил декабрь 2019 йил январь-февраль	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси
----	--	---	---	---

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		ҳамда сервис марказларини ташкил этиш. Шартномалар тузиш ва замонавий йўл-курилиш техникалари ва ускуналарини етказиш.	2019-2020 йиллар	
13	Харид қилинаётган замонавий йўл-курилиш техникаларига ва таъмирлаш ускуналарига техник хизмат кўрсатиш учун сервис марказларини ташкил этиш.	Йўл-курилиш техникалари ва таъмирлаш ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан сервис марказларини ташкил этиш бўйича Битимлар тузиш.	2019 йил мобайнида	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси
14	Автомобиль йўлларидан фойдаланиш муддатларини узайтириш учун автомобиль йўлларини саклаш ва улардан фойдаланиш соҳасига инновацион технологияларни татбиқ этиш.	Замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	2019 йил мобайнида	Инновацион ривожланиш вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси
15	Автомобиль йўли ўқининг майдонларида вазн ўлчовчи стационар назорат постларини жойлаштириш, уларни автотранспорт воситаларининг габарит параметрлари ва оғирликларини ўлчаш учун ускуналар билан таъминлаш ҳамда маҳсус автомобилларда кўчма вазн ўлчов назорат постини ташкил этиш.	Республика ичida катта габаритли мослама пунктларининг ва жойлари дислокациясини аниқлаш бўйича ишчи гурӯхни ташкил этиш. Жойига чиққан ҳолда автомобиль йўллари ва вазн стационар ўлчов назорат постларини жойлаштиришни аниқлаш.	2018 йил декабрь 2019 йил январь-март	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, ИИВ, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги, Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
		<p>Вазн ўлчов стационар постларининг дислокация жойларини аниқлаган ҳолда, маҳсус автомобилларда кўчма вазн ўлчов назорат постини ҳисобга олиб, молиялаштириш манбаларини аниқлаш.</p> <p>Мобиль ва стационар вазн ўлчов постларини мосламалар билан жиҳозлаш учун етказиб берувчиларни аниқлаш.</p> <p>Вазн ўлчовчи стационар назорат постларини транспорт воситаларининг габарит параметрлари ва оғирликларини ўлчаши учун ускуналар билан таъминлаш ҳамда маҳсус автомобилларда кўчма вазн ўлчов назорат постини ташкил этиш.</p>	<p>2019 йил апрель</p> <p>2019 йил май</p> <p>2019-2020 йиллар</p>	<p>Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p> <p>Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Молия вазирлиги,</p> <p>Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, ИИВ, Давлат божхона қўмитаси</p> <p>Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, ИИВ, Давлат божхона қўмитаси, Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
16	Республикада йўл-транспорт инфратузилмасининг мақсадли параметрларини аниқлашда логистика самарадорлиги индекси	Логистика самарадорлигининг индекс методологиясига мувофиқ республиканинг транспорт логистика	2019 йил I чорак	Инновацион ривожланиш вазирлиги,

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	методологиясига мувофик (Logistic performance Index) республиканинг транспорт логистика комплекси ҳолатини баҳолаш тизимини татбиқ этиш.	комплекси ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режаси.		Иқтисодиёт вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги

IV. Йўл хўжалиги учун замонавий қурилиш материалларини ва маҳсус йўл қурилиши техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш

17	Йўл хўжалиги учун замонавий қурилиш материаллари ва маҳсус йўл-қурилиш техникаларини ишлаб чиқариш, ушбу техникаларнинг сервис марказларини мамлакатимиз ҳудудларида очиш бўйича етакчи чет эл компаниялари иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш.	<p>Йўл хўжалиги учун замонавий қурилиш материаллари ва маҳсус йўл-қурилиш техникаларини ишлаб чиқарувчи илгор чет эл ишлаб чиқарувчиларини асосан Германиядан дастлабки танлаб олишни амалга ошириш.</p> <p>Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича Ўзбекистонда қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан музокаралар олиб бориш.</p>	2019 йил март	Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, “Ўзқурилиш-материаллари” АЖ
18	Автомобиль йўлларини ва сунъий иншоотларни лойиҳалаш соҳасида етакчи немис компаниялари орасидан хорижий инжиниеринг компаниялар	Автомобиль йўлларини ва сунъий иншоотларни лойиҳалаш соҳасида ҳамкорлик.	2019 йил I чорак	Автомобиль йўллари давлат кўмитаси,

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	(“OBERMEYER Planen+Beraten GmbH”, “Lahmeyer International GmbH”, “Lomb Ingenieurgesellschaft mbH, “INROS LACKNER SE” ва бошқалар) билан ҳамкорликни йўлга қуиши.			Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
19	Асфальтбетон қоришмаларини ишлаб чиқариш бўйича “GP Günter Papenburg AG” Германия компанияси билан қўшма корхона ташкил этиши.	Асфальтбетон қоришмаларини ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва қурилишни амалга ошириш.	2019 йил август	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
20	Германиянинг илгор компаниялари билан қўшма корхоналар ташкил этиши: “Ўзйўллойиҳа” ДУК корхонаси базасида автомобиль йўлларини ва сунъий иншоотларни лойихалаш соҳасида йўл-тажриба лабораториялари ва полигонларини ташкил этиш бўйича чет эл компаниялари билан қўшма корхоналарни ташкил этиш юзасидан битимлар имзолаш.	Замонавий немис технологиялари бўйича автомобиль йўлларини ва сунъий иншоотларни лойихалаш соҳасида йўл-тажриба лабораториялари ва полигонларини ташкил этиш бўйича чет эл компаниялари билан қўшма корхоналарни ташкил этиш юзасидан битимлар имзолаш.	2019 йил мобайнида	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги

V. Йўл хўжалиги соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш

21	Йўл хўжалиги соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини, шу жумладан чет эл ихтисослашган таълим муассасалари ва марказлари билан ҳамкорликда тубдан такомиллаштириши.	Йўл хўжалиги соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши.	2019 йил I ярим йиллик	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
22	Тошкент автомобиль йўлларини лойихалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти қошида Автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш	Автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини	2019 йил I ярим йиллик	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси,

№	Тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддатлари	Масъул ижрочилар
	соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказини ташкил қилган ҳолда етакчи хорижий таълим муассасалари ва компаниялари – ҳамкорлар билан биргалиқда ўқитувчилар, талабалар ва мутахассислар билан алмашиш ва стажировкадан ўтказишни йўлга қўйиш.	ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича Марказ ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси.		Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
23	Манфаатдор вазирлик ва идораларнинг ваколатли вакилларини йўл курилиши бўйича Германияда ўтказиладиган халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш.	Йўл курилиши бўйича ўтказиладиган халқаро кўргазмалар, ярмаркалар, конференциялар ва симпозиумларда манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларининг иштирок этиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиши.	2019 йил январь	Ташқи ишлар вазирлиги, Курилиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси
24	Чет эл ўкув муассасаларида йўл соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўкув курсларини ташкил этиш.	Комплекс чора-тадбирлар ва ўкув курсларини ўтказиш графиклари.	доимий	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
25	Йўл соҳасидаги мутахассисларнинг Германия Федератив Республикаси етакчи йўл-курилиш компанияларида стажировкадан ўтишини ташкил қилиш.	Комплекс чора-тадбирлар ва стажировкадан ўтиш графиклари.	доимий	Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ташқи ишлар вазирлиги

